

АСОСИЙ МАҚСАД – ЁШЛАРИМИЗНИНГ СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛЛИГИ

Президент Шавкат Мирзиёев 2025 йил 18 август кун Олимпия шаҳарчасида қуриб битказилган йирик спорт мажмуалари, Юқори Чирчиқ туманидаги Миллий футбол маркази фаолияти ҳамда янги туризм инфратузилмаси объектлари билан танишди.



Биз ҳамма соҳада дунёда муносиб ўрин эгаллашга интилаяпмиз. Спортчиларимиз бун тизроқ етказ олади. Сизлар иродали галабангиз билан, халқимиз меҳнат қилса, ҳаракат қилса, ҳамма нарсага қодир эканини яна бир бор исботладигиз. Бутун дунё сизнинг тимсолингизда азму шижоатли, гурури баланд, ҳеч қачон интилишдан қайтмайдиган янги Ўзбекистон авлодини кўрди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Ташриф тафсилотлари билан батафсил танишиш учун қуйидаги QR кодни сканер қилинг:



ПРЕЗИДЕНТ ТАДБИРКОРЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАДИ

Давлатимиз раҳбари «Тадбиркорлар куни муносабати билан соҳа вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги фармонга имзо чеқди.

Унга мувофиқ, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, инвестицияларни жалб қилиш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда хизмат қилаётган ишбилармонлар давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Мукофотланганларнинг тўлиқ рўйхати билан ушбу ҳавола орқали танишиш мумкин:



БИР ГУРУҲ ИШБИЛАРМОНЛАР «ФАОЛ ТАДБИРКОР» КЎКРАК НИШОНИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фаол тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирлаш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ, иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик ривожини янги босқичга кўтариш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасидаги хизматлари учун ишбилармонларнинг бир гуруҳи тақдирланди.

Мукофотланганларнинг тўлиқ рўйхати билан ушбу ҳавола орқали танишиш мумкин.



ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ТАБРИК

Президент Шавкат Мирзиёев «Ўзбекистон, Озарбайжон ва Европа: умумий тараққиёт йўлида ҳамкорлик» мавзусида ўтаётган юқори даражадаги учрашув иштирокчиларига табрик йўллади.

Табрик матни билан ушбу ҳавола орқали танишинг:



ЎЗБЕКИСТОН ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ – ҚОЗОҒИСТОНДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги парламент делегацияси Остона шаҳрига ташриф буюрди.

Остона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева Қозоғистон Республикаси Парламенти Сенати раиси Маулен Ашимбаев билан учрашди.

Шу кун Олий Мажлиси Сенати раиси Танзила Норбоева Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси раиси Ерлан Кошанов билан ҳам учрашув ўтказди.

АФҒОНИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ЭНЕРГЕТИКА БЎЙИЧА ЯНА БИР ЙИРИК ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

17 август кун Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш бўйича тўртта лойиҳани бirlаштирган қарийб 243 миллион долларлик шартнома кучга кирди, деб хабар тарқатди «Аму TV» телеканали.

Қобулда бўлиб ўтган имзолаш маросимида Толибон Бош вазирининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Абдул Ғани Бародар ва Ўзбекистон энергетика вазири Жўрабек Мирзамаҳмудов иштирок этган.

ХОДИМНИНГ МУШКУЛИ АРИДИ

Хаёт қутилмаган синовларга тўла. Соппа-соғ юрган одам тўсатдан бирон-бир фалокатга йўлиқиб, меҳнатга яроқсиз бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Оҳангаронлик Гавҳар Раҳмонова ҳам худди шу ҳолга тушди.

Аёл тумандаги 38-умумтаълим мактабидиректорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келаётганди. Бир кун мактаб йўлида тўсатдан сирпаниб тушди. Қаттиқ йиқилган экан, оёғи бир эмас – уч жойидан синибди.

Зудлик билан Республика травматология институтида оғир турдаги жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Аммо буткул соғайиб кетиши учун яна бир

марта жарроҳлик амалиёти ўтказиш зарурлиги аёнлашди. Шундан сўнг Гавҳар Раҳмоновага III гуруҳ ногиронлиги берилди. Даволанаётган вақтида мактаб раҳбарияти ва касаб уюшмаси қўмитасидан 7,5 миллион сўм моддий ёрдам ажратилди. Лекин навбатдаги жарроҳлик амалиёти катта маблағни талаб этарди.

Чорасиз қолган Гавҳар Раҳмонова Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг

Тошкент вилояти кенгашига мурожаат қилди. Кенгашнинг меҳнат техник инспектори Шокир Ҳазратқулов масалани тегишли тартибда ўрганиб, иш берувчидан Г.Раҳмонова фойдасига 47 миллион сўм товон пули ундирилишига эришди.

– Иккинчи жарроҳлик амалиёти учун тайёргарлик кўряпман, – деди Гавҳар Раҳмонова. – Массулларга раҳмат. Бизни ёлғизлатиб қўймади. Ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдек хайрли ишлари бардавом бўлаверсин.

Амир АҲМЕДОВ

Касаб уюшмаси аралашгач...

Қуйлимурод Тошов 1999 йил август ойида иш вақтида бахтсиз ҳодисага учраб, бош қисмидан оғир жароҳат олди. Натижада тиббий меҳнат эксперт комиссияси хулосасига асосан 70 фоиз касбий меҳнат қобилиятини йўқотгани аниқланиб, II гуруҳ ногирони, деб топилди.

МУРОЖААТ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ

Ўтган вақт мобайнида «Муборак уй-жойлардан фойдаланиш кўп тармоқли» МЧЖ томонидан ойма-ой тўланиши лозим бўлган зарар пуллари тўлаб келинди. Бироқ қорхона фаолияти тугатилганлиги муносабати билан унга 2024 йил январь ойидан 2025 йил июнь ойигача бўлган давр учун зарар пуллари тўланмади.

Шу сабабли Қ.Тошов фуқаролик ишлари бўйича Чироқчи туманлараро судига даъво-ариза киритди ҳамда ҳақ-хуқуқларини тиклашда амалий ёрдам сўраб, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгашига мурожаат қилди. Биз мурожаатга асосан судда иштирок этиб, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилдик.

Суд Қ.Тошовнинг даъвосини тўлиқ қаноатлантириб, унга Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Кўқдала тумани бўлими 21 миллион 3 минг 847 сўм миқдоридagi зарар пуллари тўлаб бериши зарурлиги ҳақида қарор чиқарди.

Анвар ХўЖАҚУЛОВ, Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

«ЧИНОБОД»ДА ВАТАН МАДҲИ



ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИДА ХОДИМЛАР ВА ДАМ ОЛУВЧИЛАР ИШТИРОКИДА «ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!» ШИОРИ ОСТИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ.

Унда хоразмлик фахрий ўқитувчи Ўзбекистон Қаҳрамони – Анора Маҳмудова ва Навоий давлат университети профессори – Гулчеҳра Шамсутдинова иштирок этишди.

Фахрий меҳмонлар юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида сўз юритиб, таълим соҳасида эришилаётган ютуқлар тўғрисида ҳам ўз

фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Тадбирда хушовоз хонандалар томонидан ижро этилган куй ва кўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

Ваҳобжон ТОЖИЕВ, «Чинобод санаторийси» АЖ Маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби

БУГУНГИ СОНДА:



«ИСЛОҲОТЛАР ШТАБИ» ЭЛ ЮМУШЛАРИГА ЕЛКА ТУТАДИ

ТАРАҚҚИЁТ ЗИНАПОЯЛАРИДАН ДАДИЛ ЮКСАЛАЁТГАН АСАКА ТУМАНИ КўП СОҲАЛАРДА ХУДУДЛАРГА НАМУНА БЎЛМОҚДА



«ОЛТИН» УРФ-ОДАТЛАРГА ЭМАС

«МИС»ЛАРИНИНГ ЯЛТИР-ЮЛТУРИГА ХАВАСМАНЛАР КўЛАЙИБ БОРЯПТИ



ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

■ АЪЗОЛИК АФЗАЛЛИКЛАРИ



Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши давлат ҳамда нодавлат олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришга катта эътибор қаратапти. Шу мақсадда Навоий инновациялар университетида ташкил этилган мулоқотда таълим муассасаси билан касаб уюш-

маси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, профессор-ўқитувчилар ҳамда ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар учун ижтимоий кафолатларни янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Учрашувда Навоий инновациялар университети бош директори Элдўст Раҳмонов муассасада

ҳозирда 16 та таълим йўналиши ва 3 та ихтисослик бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланаётганини маълум қилди. Университет таълим сифатини ошириш, замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассисларни етиштириш билан бир қаторда, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор қаратаётганини, жумладан, АҚШ, Германия, Буюк Британия, Туркия, Латвия, Корея, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганини таъкидлади.

Шунингдек, университет ректори Жўрабек Мавлонов таълим жараёнида талабаларнинг хорижий тиллар бўйича билимларини чуқурлаштиришга алоҳида урғу берилётганини айтиб ўтди. Айниқса, инглиз, немис, корей тиллари мукамал ўргатилаётгани, бу эса битирувчиларнинг халқаро меҳнат бозорига рақобатбардош бўлишига хизмат қилаётганини қайд этди.

Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси Назира Тоғаева университет салоҳиятини янада ривожлантириш, таълим сифатини ошириш ва педагог ходимларнинг ҳуқуқларини таъминлаш борасида ҳамкорликка тайёр эканини билдирди.

Учрашув якунида икки томонлама ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бу ҳужжат асосида университетда фаолият юритаётган ўқитувчи ва ходимлар касаб уюшмаларига аъзо сифатида қабул қилинди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

■ БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМА
ТАШКИЛОТЛАРИДА

Республика тез тиббий ёрдам марказининг Сурхондарё вилояти филиали касаб уюшмалари қўмитаси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун қулай меҳнат шaroитлари яратиш борасида иш берувчилар билан ҳамкорликда қатор ишларни амалга оширмоқда. Уларнинг натижаларини рақамлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, ўтган йили 55 нафар ходим Федерация тасарруфидаги сиҳатгоҳларда соғлиқларини тиклашди, 482 нафар ходимга 313,3 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди, 92 нафар фидойи хизматчи Бухоро, Самарқанд ҳамда Тошкент шаҳарларида саёҳатда бўлишди.

ТЕЗ ЁРДАМ ХОДИМЛАРИ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА



«Наврўз» умумхалқ байрами муносабати билан тadbирлар уюштириш учун касаб уюшма қўмитаси томонидан 29 миллион 260 минг сўм ажратилди. «Халқаро ҳамширалар куни»да 460 нафар ходимга 40 миллион сўмлик совғалар улашилди.

Спорт-соғломлаштириш тadbирларини ташкил этишга ҳам алоҳида масъулият билан ёндашдик. Эраклар ўртасида мини-футбол, аёллар ўртасида эса волейбол мусобақалари ўтказилди. Уларда 466 нафар ходим иштирок этди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар ҳолидан хабар олиш изчил йўлга қўйилди. Қўрбон ҳайити арафасида 79 нафар ходимга 43 миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилди. Бир сўз билан айтганда, биз аъзолар ишончини оқлаш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Мухриддин ТАНГИРОВ,
Республика тез тиббий
ёрдам маркази
Сурхондарё вилояти
филиали касаб уюшмаси
қўмитаси раиси

■ СЎРАНГ, ЖАВОБ
БЕРАМИЗ

САВОЛ: Ижтимоий таътил нима? У кимларга, қанча муддатга, қандай тартибда берилади? Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Комилжон НАЗАРМАТОВ
Сурдарё вилояти

ИЖТИМОЙ ТАЪТИЛ НИМА?

ЖАВОБ: Ходимларга оналик, бола парвариш, таълим олиш учун қулай шарт-шaroитлар яратиш мақсадида, шунингдек, бошқа ижтимоий мақсадларда бериладиган таътиллари ижтимоий таътил ҳисобланади.

Ижтимоий таътиллари корхона, ташкилот ва муассасада ишлаётган ва қонун бўйича ижтимоий таътил олиш ҳуқуқига эга ходимларга берилади. Масалан, ижтимоий таътил корхонада ишлаётган ва меҳнат фаолиятидан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртида тахсил олаётган талабага навбатдаги сессияни ёпиш учун ёки докторлик диссертациясини ҳимоя қилишни режалаштирган ходимга берилиши мумкин.

Ушбу таътилни ҳар бир тури учун қонунда алоҳида муайян муддатлар белгилаб қўйилган.

Ижтимоий таътил беришга, масалан, тиббиёт муассасаси ходимининг ҳомиладорлиги тўғрисидаги ҳулосаси, таълим муассасасининг қақирув қoғoзи асос бўлиши мумкин.

Ижтимоий таътиллари вақтида ходимнинг эгаллаб турган иш жойи сақлаб қолинади.

Бу турдаги таътиллари меҳнат таътилидан ташқари вақтда берилди ва ходим томонидан фойдаланилмай қолган ижтимоий таътил ёки унинг бир қисми бошқа муддатга ўтказилишига, шунингдек, уни пуллик компенсация билан алмаштиришга йўл қўйилмайди.

Ҳуқуқ ва халқаро
ҳаёт бўлими

БЕМОР БЕПУЛ ДАВОЛАНАДИ

Бухоро вилояти Олот тумани «Қиртай» маҳалласида яшовчи Гулбахор Ҳазратова турмуш ўртоғи Бахтиёр Ҳамроевнинг саломатлиги бўйича моддий ёрдам сўраб, мутасадди ташкилотларга мурожаат қилди. Айтишича, унинг эри икки марта жарроҳлик амалиётини бошдан кечирган. Биринчи ва иккинчи операциялар кредит ва қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилган. Шифокорлар тавсиясига кўра, беморга яна бир бор операция ўтказиш зарур. Бу жараёнда Россиядан махсус вакцина олиб келиш талаб этилади.

Аёл дастлаб маҳалла фуқаролар йиғини ва «Саховат ва кўмак» жамғармасига ёрдам сўраб мурожаат қилган, бироқ натижа бўлмаган. Шу сабабли, у Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг «Ишонч

телефони»га кўнгирак қилди. Мурожаат юзасидан Олот тумани тиббиёт бирлашмаси масъул ходимлари томонидан ўрганиш ишлари олиб борилди. Тиббиёт бирлашмасининг расмий маълумотига кўра, беморнинг

■ 1211 ЭШИТАДИ

касаллиги бўйича вилоят касалхонасининг колопроктология бўлимида амалий операция йўли билан бепул даволаш имконияти мавжуд. Бу учун тегишли йўлланма (ордер) берилган.

Мазкур ҳолат аҳолининг тиббий эҳтиёжларини қондиришда давлат тиббиёт тизими имкониятларидан тўлиқ фойдаланишнинг аҳамиятини кўрсатади. Шу билан бирга, айрим даволаш жараёнларида хориждан олиб келинадиган дори воситалари ва препаратлар масаласи ҳал этилиши зарурлигини ҳам намоён этмоқда.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

■ ФОРУМ



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Бирлашган касаб уюшмаси қўмитаси «Бағрикенглик ҳафталиги» доирасида республика форуми ўтказди.

«Quality publication» нашриёт уйи билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллиги ҳамда Ўзбекистон касаб уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллигига бағишлаб ташкил этилган анжуманда «Янги Ўзбекистон бунёдкорлари» номи илмий ва ижодий ишлар тақдим этилди.

Форум нафақат илм-фан ва ижод соҳаларида эришилган ютуқларни намоён этувчи майдон, балки бағрикенглик, ижтимоий бирдамлик ва маънавий уйғунликни тарғиб қилувчи муҳим ташаббусни илгари сурган тантанаси сифатида иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Сўзга чиққанлар бу каби тadbирлар ёшларда ватанпарварлик, фуқаролик масъулияти, ижодий тафаккур ва касба муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Анжуман қатнашчиларига эсдалик совғалари, «Янги Ўзбекистон бунёдкорлари» махсус китобни ҳамда китобнинг асл нусхалари тантанали топширилди.

Шерзод ЖўРАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Бирлашган касаб уюшмаси қўмитаси раиси



ОЛИЙ ТАЪЛИМДА МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ

Ҳар бир ташкилотда меҳнат муҳофазаси тизимини тўғри ташкил этиш, хавфсизликни таъминлаш ва ресурсларни самарали бошқариш долзарб масала ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазаси фаолиятининг турли соҳаларида юзага келиши мумкин бўлган хавфларни бартараф этишга, ҳар бир ходимнинг хавфсиз ва соғлом муҳитда ишлашини таъминлашга қаратилган тadbирлар мажмуидир.

Олий таълим муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва муносиб меҳнат шaroитлари яратиш фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Улар анъанавий равишда ишлаб чиқариш учун хавфли ташкилотлар қаторига кирмасда, педагогик ва илмий меҳнатнинг ўзига хос хусусиятларини етарлича баҳолаш ҳам, ходимлар саломатлигига ҳам, таълим сифатига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Таълим масканларидаги иш муҳити ўзига хос хусусиятларга эга. Бу, аввало, юқори даражадаги ақлий ва ҳиссий зўриқиш, кўп вазифалик, инсонлар билан доимий мулоқот, шунингдек, ўқитувчилик, илмий, маъмурий ва тарбиявий фаолиятни уйғунлаштириш заруратидир. Булар вақт ўтиб, сурункали чарчоқ, касбий ҳолдан тойиш, овоз аппарати, кўриш, таянч-ҳаракат тизими касалликлари хавфини келтириб чиқариши ҳеч гап эмас.

Олий ўқув юртларида талабалар ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли меъёрий ҳужжатлар, махсус қўлланмалар ва хавфсизлик қоидалари қабул қилинган. Тошкент давлат юридик университети ҳам ана шу норматив ҳужжатлар асосида меҳнат муҳофазасига қатъий риоя этиб келмоқда.


Хусусан, университетида ходимларни фавақуллода вазиятларда ҳаракат қилишга ўргатиш бўйича Фавақуллода вазиятлар вазирлиги мутахассислари иштирокида уч мартаба кўшма машғулотлар ўтказилди. Шунингдек, санитария-эпидемиология мутахассислари хоналар, талабалар тураржойлари ва ошхоналарнинг санитария меъёриларига мувофиқлигини мунтазам равишда текшириб туради.

2025 йилнинг январь-июнь ойларида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги, бахтсиз ҳодисалар ва касалликларнинг олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишлар бўйича масъул ташкилотларга ҳисоботлар тақдим этилди.

Ходимлар дастлабки тарзда ва кейинчалик тиббий кўриқдан ўтказилапти. Мисол учун, 2024 йил 147 нафар, жорий йилнинг ўтган даврида эса 68 нафар меҳнаткаш тиббий кўриқдан ўтди. Олиб борилган ишлар натижасида бахтсиз ҳодиса, меҳнат жараҳати билан боғлиқ ҳодисалар содир бўлмади.

Муҳтасар айтганда, иш жойларида ходимлар учун муносиб шарт-шaroитлар яратиш, меҳнат муҳофазаси таъминланса, самарадорлик ҳам шунга яраша бўлади. Демак, меҳнат муҳофазасига жиддий эътибор қаратиш зарур. Унга юзаки қараш жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Мурод ЎРОЗАЛИЕВ,
ТДЮУ касаб уюшмаси
қўмитаси раиси



«ИСЛОҲОТЛАР ШТАБИ» ЭЛ ЮМУШЛАРИГА ЕЛКА ТУТАДИ

ТАРАҚИЁТ ЗИНАПОЯЛАРИДАН ДАДИЛ ЮКСАЛАЁТГАН АСАКА ТУМАНИ КЎП СОҲАЛАРДА ҲУДУДЛАРГА НАМУНА БЎЛМОҚДА

Яқинда амалдорлардан бирининг фуқаролар билан ўтказган аллақайси учрашувидаги «Ҳокимларни ёмон кўрувчиларнинг фарзандлари ҳам ҳоким бўлсин», деган гапни сиз ҳам эшитган бўлсангиз керак. Аини жумлалар тилак сифатида айтилганмиди ё қарғиш тарзида — буниси у қадар аҳамиятли эмас. Ҳақиқат шуки, бирор шаҳар ё туманга етакчилик қилиш, одамлар розилиги учун жон койитиб ишлаш кўпчилик ўйлагани каби осон юмуш эмас.

Аслида ҳокимлар гарданидаги вазифалар сон-саноксиз. Ижросини кутаётган дастурлар, ечимига маҳтал бўлиб турган муносабатлар, ҳар мавсумга хос доимий топшириқларнинг асосий қисмига жавобгар айнан улар. Тўғри, матбуотда, ижтимоий тармоқларда одамларнинг ҳокимлар хатти-ҳаракатидан ёзғириб битилган арзномаларига тез-тез кўзимиз тушади. Бироқ беш бармоқ баробар эмас — елкасидаги масъулияни чуқур ҳис қиладиган, давлат дастурларини талаб қилинган каби ижро этадиган, энг муҳими, одамларнинг дарду ташвишини енгиллатишга сидқидилдан ёндашадиган раҳбарлар ҳам кўп.

Яқинда ана шундай фидойилардан бири — Асака тумани ҳокими Насибулло Мўминов Президент фармонида кўра, «Дўстлик» ордени билан тақдирланди. Шу билан бирга, ҳудуд прокурори Акмалжон Мирзакаримов, ички ишлар бўлими бошлиғи Шохруҳбек Назиров, солиқ инспекцияси бошлиғи Илхомжон Раҳимов «Жасорат» медали билан тақдирланди. Давлат раҳбарининг эътибори ўз-ўзидан бўлмайди — бунинг учун элга, давлатга фидойилик билан хизмат қилмоқ лозим.

Маълумки, Асака туманлар ичида аҳоли зичлиги бўйича юқори ўринда туради. Шу боис ҳам ҳар бир қарч ери ҳисоб-китобли

бўлган туманда бандликни таъминлаш, мунтазам янги иш ўринлари ташкил этиш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифалари ҳеч қачон кун тартибидан тушмайди. Қолаверса, туманда одамларнинг тураржойга бўлган эҳтиёжини қишлоқ хўжалиги экин майдонларига дахл қилмаган ҳолда оқилона ҳал этиш каби масалалар ҳам борки, бу жиҳатлар ҳоким бошчилигидаги ҳар бир мутасаддидан катта куч ва масъулия, фидойилик, билим, ҳаётий тажриба, ташкилотчилик ва ташаббускорликни талаб этади. Чунки давлат раҳбарининг таъбири билан айтганда, «туман бўғини самарали ишламаса, юқоридан қандай топшириқ туширилмасин, кўзланган мақсадларга эришиб бўлмайди».

Асакаликлар табиатан омилкор, тадбиркор, уздабурон одамлар. Ишсиз юрганлари ҳам «менга балиқ эмас, қармоқ керак» акидасига амал қилади. Муносабатларни кузатсангиз, аксарияти шахсий эмас, балки омма манфаатларини ифода этувчи масалалар. Шу сабаб ҳам, ҳудудда тадбиркорлик учун зигирдай фурсат туғилдими, бу имкониятдан даровор фойдаланиш пайига тушишади.

Эътибор беринг, ҳудудда 11 та маҳалла иссиқхоначилиққа иxtисослашган. Мисол учун, Оташ маҳалласидаги 810 та хонадондан 805 тасида иссиқхона бор. Уларда

йилига 3 мартаба ҳосил олинмоқда. Ёки худди шу каби Обод маҳалласидаги 922 та хонадон эгалари ҳам иссиқхоналардан самарали фойдаланишаётир.

Бу каби мақташга арзғулик саъй-ҳаракатлар мамлакат миқёсида ҳам эътироф этилган. Аини тажрибани кенг қўллашда Президентимиз топшириқлари билан мутасаддиларга бутун республикадан Асакадаги маҳаллаларга арзон уруғ ва минерал ўғит етказиб бериш жорий этилган бевжиз эмас. Натижада аини пайтда мазкур тизим орқали уруғ ва ўғит 15 фоизгача арзон сотилмоқда. Уларнинг нархи арзонлашиши эса наинки деҳқон меҳнатини рағбатлантириш, ўз навбатида бозорда етиштирилган маҳсулот таннархининг пасайишига ҳам хизмат қилади.

Боя иxtисослашув хусусида сўз очдик. Туманда ижарага берилган ва томорқа ер майдонларида «Компания — кооператив — деҳқон хўжалиги». «Бир контур — бир маҳсулот» тамойиллари асосидаги жиддий саъй-ҳаракатлар натижасида Ахтачи, Девагани, Обод, Оташ маҳаллалари аҳолиси маҳсулот етиштирибгина қолмай, ҳар йили эрта баҳордан турли ҳудудлардан келувчи деҳқонлар учун помидор, бодринг, бўлғор қалампери, қарам қўчати етиштириб берувчи энг муҳим марказларга айланди.

Аини пайтда барча маҳаллалар имкониятидан келиб чиқиб, иxtисослашув жараёни сари жиддий қадамлар қўймоқда. Хусусан, жорий йил якунига қадар иссиқхоначиликка иxtисослашган ҳудудлар сонини 20 тага етказиб, натижада яна 7 мингга хонадон томорқасидан мунтазам равишда ҳосил олиш ва аҳоли даромадини кўпайтириш, яқин келажакда эса яна қатор масканларни сабазвотчилик, узумчилик, хизмат кўрсатиш соҳаларига тўла иxtисослаштириш юзасидан жиддий режалар олинган.

Бугун туманда кичик бизнес ҳам тараққий этиб, ишбилармонлик йўлидан бораётганлар сафи кенгаётир. Биргина мисол, шу йилнинг ўзида тадбиркорликни йўлга

қўйиш, фаолиятини кенгайтириш истагидаги фуқаро ва ишбилармонлар билан ҳамкорликда 23 та саноат, 106 та хизмат кўрсатиш, 26 та қишлоқ хўжалиги йўналишида, жами 155 та янги лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этишга киришилган. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси одамларни ишли қилиш, яхши даромад топишга ўргатиш, ҳалол меҳнат билан фаровон ҳаёт сари интилишларини рағбатлантиришга қаратилган, албатта.

Боя айтдикки, ҳудудда уй-жой масаласи ҳаммиша долзарб. Шундай шароитда давлат раҳбарининг 2021 йил 2 апрелдаги «Андижон вилояти Асака туманини ободонлаштириш ва архитектура қиёфасини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори одамларнинг тураржойга бўлган эҳтиёжини ҳал этишга қаратилган оқилона қадам бўлди. Мазкур ҳужжат билан тумanning «Чек» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ҳокимлик захирасида турган, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқсиз аҳолга келиб қолган 53,3 гектар суғориладиган тошлоқ ва унумдорлиги паст бўлган ер майдонида «Asaka city» мажмуаси лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги тақлифларга розилик берилди. Бу ерда қурилиш ва бунёдкорлик жараёнлари бугун ҳам шиддат билан давом этаётир.

Умуман, ҳозир Асакада ижтимоий-иқтисодий соҳаларнинг барча жабҳасида ҳаёт қай-

напти. Аиниқса, юртбошимиз томонидан шу йил 16 июнь куни ислохотлар натижадорлиги, ҳудудларда ишларнинг бориши ва аҳолини қийнаётган масалалар таҳлили бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида илгари сурилган муҳим ташаббусга кўра, мамлакатдаги 16 та ҳудудда, шу жумладан, Асака туманида янги бошқарув жорий этилиши белги-ланганлиги ҳудудни ривожлантиришнинг янги бошқичини бошлаб берди.

Хусусан, иқтисодиёт ва молия, инвестиция, қишлоқ хўжалиги, бандлик, қурилиш, экология, маданият, оила ва хотин-қизлар, ёшлар масалалари бўйича 9 та давлат идорасининг туман бўлими ҳокимлик тизимида ўтди. Улардаги жами шатларни тақсимлаш, ишга олиш ва бўшатиш масалалари ҳоким иxtиёрида қолди. Туманлар иxtиёрида қоладиган маблағлар манбаси кўпайтириладиган бўлди.

Президент илгари сурган ташаббусга кўра, туманда соҳа мутасаддилари ва етакчи тадбиркорлардан иборат «Ислохотлар штаби» тузилиб, маҳаллалар кесимида лойиҳа, инфратузилма, молиявий манба, кадрлар масаласини қамраб олган уч йиллик дастур тайёрлашни назарда тутилди. Эндиликда келаси йил учун бюджет, инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат, инвестиция ва бандлик дастурлари шу асосда тасдиқланади. Хуллас, бугун Асака ана шундай тарихий ўзгаришлар оғушида.

...ЭЗИЛМАГАН БИР ҚОНУНИЯТ БОРКИ, ҲАР ҚАНДАЙ ТАШКИЛОТ НУФУЗИ ВА ДАРАЖАСИНИ ЭНГ АВВАЛО, ШУ ИДОРАГА ЕТАКЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН БИРИНЧИ ШАХСЛАР, ҚОЛАВЕРСА, УЛАРНИНГ ЖАМОАЛАРИ БЕЛГИЛАЙДИ. АСАКАДАГИ ЮТУҚЛАРНИ ҲАМ ШУ ФИКРГА ҚИЁСЛАСАК, МУБОЛАҒА БЎЛМАС — КАТТА ЎЗГАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШЛАР ЗАМИРИДА БУНЁДКОР ВА ФИДОЙИ АСАКАЛИКЛАРНИНГ МЕҲНАТЛАРИ ҚАТОРИ, ҲУДУДНИ БОШҚАРАЁТГАН ЕТАКЧИЛАРНИНГ ҲАМ ҲИССАЛАРИ БЕҚИЁС. УЛАРГА БЕРИЛГАН КАТТА ЭЪТИРОФ, ШОИР ИБОРАСИ БИЛАН АЙТГАНДА, «КЎҚДАН ТУШМАГАН».

Нурилло НЎЪМОНОВ
«ISHONCH»

ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БОШЛАНМОҚДА

«Ishonch» газетасининг 2025 йил 26 июлдаги сонидан эълон қилинган «Президент топшириғи бажариладими, йўқми?» сарлавҳали мақолага Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси куйидаги мазмунда муносабат билдирди:

Президентимизнинг 2024 йил 5 июндаги «Республика ҳудудларининг туризм салоҳиятини янада ривожлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Шаҳрисабз туманидаги Ҳисорак қишлоғидан Фелон қишлоғигача, Ҳисорак қишлоғидан Шарчашма қишлоғигача бўлган йўлларнинг 33 километрини, «Чироқчи-Шўрқудуқ» автомобиль йўлининг 30 километрини таъмирлаш ҳамда Фелон қишлоғидаги туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш учун республика бюджетига 30 миллион доллар маблағ ажратилиши белгиланган.

Мазкур маблағ автомобиль йўллари, ичимлик ва оқова сув тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари бўйича вилоят ҳокимлигининг сўровига мувофиқ, маҳаллий бюджетга ажратилиши назарда тутилган.

«Чироқчи-Шўрқудуқ» автомобиль йўлининг 30 километр қисmini таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича «Шаффоф қурилиш» платформаси орқали 2024 йилнинг декабрь ойида «Йул лойиҳа бюроси» МЧЖ галиб деб топилган ва шартнома имзоланган.

Аини пайтда объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланган бўлиб, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУКдан 294,1 миллиард сўм қийматидаги 244481-сонли экспертиза хулосаси олинган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 майдаги фармойишига асосан (жорий йилнинг 1 сентябрга қадар лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, пудратчинини аниқлаш ва параллел равишда ишларни олиб боришга рухсат берилган) тақлифлар асосида пудратчинини аниқлаш белгиланган. Ўз навбатида, «Автойўл инновация» МЧЖ пудратчи ташкилот билан шартнома имзоланган.

Бугунги кунда объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошлангани маълум қилинади.

Қашқадарё вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи

Б.ТЎРАЕВ



«Ishonch»га жавоб берадилар

«ISHONCH» ГАЗЕТАСИНING 2025 ЙИЛ 26 ИЮЛДАГИ СОНИДА «ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ФАҚАТ КАТТА ФЕРМЕРЛАР УЧУНМИ?» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНИБ, МАСЪУЛЛАР ҲУКМИГА ҲАВОЛА ЭТИЛГАН ЭДИ. УНГА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИЧА МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ:

ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ҲАММА УЧУН

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2024 йил 5 январдаги ПҚ-5-сонли қарорига асосан сув тежайдиغان технологияларни жорий қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари «svkredit.uz» платформаси орқали 5 йил муддатга, шундан 2 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар ажратилиши белгиланган.

Маълумот учун: 1 гектар ер майдонида сув тежовчи технологияларни жорий қилиш (маҳсулотни сотиб олиш, қурилиш-монтаж ишлари) ўртача 25 миллион сўмни ташкил қилади.

Ўз навбатида, замонавий ресурс тежамкор технологиялар бугунги кунда республикамизда пахта, донли экинлар, сабзавот экинлари ва картошка, полиз экинлари, озуқабоп, мойли ва дуккакли экинлар, доривор ўсимликлар ҳамда шולי маҳсулотларини етиштиришда кенг қўлланилмоқда.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда автоматлаштирилган тизимни жорий этиш, сув ресурсларини 20-60 фоизгача, ЁММ ва минерал ўғитларни 25-30 фоизга иқтисод

қилиш билан бирга ҳосилдорликни 15-40 фоизгача оширомоқда.

Утган давр мобайнида Сув хўжалиги вазирлиги ва вазир ўринбосарлари ҳамда бошқарма бошлиқларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан ҳудудларда сув тежовчи технологияларни жорий этишда фермер хўжалиги раҳбарлари ва томорқа ер эгалари фаолиятида юзага келаётган бир қатор муаммоларни ўрганиш ва уларни ижобий ҳал этиш бўйича оммавий сайёр қўлларни ташкил этилиб, вазирлик расмий сайти ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилмоқда.

Шунингдек, Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги раҳбар-ҳодимларидан иборат ишчи гуруҳ вакиллари ҳудудларга хизмат сафарига юборилиб, сувни тежайдиغان суғориш технологияларини жорий қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича туманлараро тажриба алмашиш ҳамда белгиланган имтиёзлар билан агрокластер раҳбарлари ва фермерларнинг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида тегишли ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда ҳафтанинг пайшанба кунлари амалий-қўрағамли семинарлар ўтказиб келмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2020 йил 18 майдаги ПҚ-4716-сонли қарорига асосан Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан куйидаги миқдорда:

— янги конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача;

— суғориш воситалари харид қилиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача;

— уруғлик ва кўчатлар сотиб олиш учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача субсидиялар ажратиш белгиланган.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 февралдаги 95-сонли қарорига асосан Сув хўжалиги вазирлиги — пахта хомашёси етиштиришда томчилатиб ва дискрет суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисmini қоплашга ажратилган субсидияларни белгиланган муддатда тадбиркорларнинг ҳисобварақларига ўтказиб бериши кўрсатилган.

Бундан ташқари, республикада сувни тежайдиغان суғориш технологиялари ускуналари ва бутловчи қисмларини маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш бўйича 2019 йилгача бор-йўғи 3 та корхона фаолият олиб бораган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 60 тадан зиёд бўлиб, корхоналарнинг ишлаб чиқариш базаси — марказий бошқарув офисига эга бўлиш ҳамда лойиҳа амалга оширилган ҳудудда сервиз хизмати, савдо шохобчаси ташкил қилинганлиги ва маҳсулотлар захираси яратилганлигига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда рўйхатдан ўтказилиб, фаолият олиб бормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вазирлик сув тежайдиغان замонавий технологиялар жорий этишда доим ҳамкорликка тайёр эканлигини билдиради.

Сув хўжалиги вазир ўринбосари

З.ИШПЎЛТОВ



7 ЁШДАН 70 ЁШГАЧА

ҚАРШИ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
ТОМОНИДАН ЗАМОНАВИЙ СУВ СПОРТИ
САРОЙИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА

Икки гектарлик майдон. Қарши шаҳрига ёндош ушбу ҳудудда замонавий сув спорти саройи барпо этилмоқда. Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси томонидан қурилатган бу йирик мажмуа қашқадарёликлар учун муносиб совға бўлади. Сабаби вилоятнинг чул

ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини кўп йиллардан буён гигиена-санитария талабларига жавоб берадиган сузиш ҳавзаларининг етишмаслиги қийнаб келар, айниқса, бу эҳтиёж ёз ойларининг жазирамасида сезилиб қоларди. Энди бу имкониятдан касабаси уюшма-

■ ҚУЛАЙЛИК

лари аъзолари ҳам бебаҳра қолмайди. – Иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилганидан сўнг касабаси уюшмалари аъзолари бўлган ишчи-ходимлар учун алоҳида имтиёзли тарифлар жорий этилиши режалаштирилган, – дейди Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгаши раиси Бахтиёр Жўраев. – Мажмуа йилнинг тўрт фаслига мўлжаллангани ҳам аҳолига қулай турмуш шароитларини яратиш сари яна бир дадил қаддам ташланаётганидан дарак беради.

103 миллиард сўм маблағ йўналтирилган мазкур сув спорти саройи 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча инсонлар учун мўлжалланган. У ерда махсус мураббийлар томонидан қизиқувчиларга машғулотлар ҳам ташкил этилади.

– Айни пайтда қурилиш-монтаж ишлари 70 фоизга бажарилди, – дейди «Касабаси қурилиш таъмир» қурилиш ташкилоти иш юритувчиси Акбар Бурхонов. – Мажмуада 4 та сузиш ҳавзаси бунёд этилмоқда. Уларнинг икkitаси болаларга мўлжалланган бўлса, яна бирининг чуқурлиги 10 метрни ташкил этади ва у сув спорти билан шуғулланаётган спортчилар учун хизмат қилади. Яна бирининг узунлиги 50 метр, чуқурлиги эса 180-230 см.ни ташкил этади.

Таъкидлаш жоиз, бу мажмуа Тошкент шаҳри Яққасарой туманидаги Ўзбекистон касабаси уюшмалари сув спорти саройи лойиҳаси асосида бунёд этилмоқда.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

■ МУЛОҲАЗА

«ОЛТИН» УРФ-ОДАТЛАРГА ЭМАС

«МИС»ЛАРНИНГ ЯЛТИР-ЮЛТУРИГА
ҲАВАСМАНДЛАР КЎПАЙИБ БОРЯПТИ



Мисга қанча ишлов бериб ялтиратманг, гунградор шакллари солманг, барибир, мислигича қолади. Олтин қандай кўринишда бўлмасин, мақомини йўқотмайди. Сабаб – моҳиятда. Ҳар қандай нарса, воқеа-ҳодисанинг аҳамияти унинг олам ва одамлар ҳаётида нечоғли керакли, манфаатли, фойдали ёки аксинча эканлиги билан белгиланади. Урф-одатларнинг ҳам тарих синовларидан ўтган «олтин»лари ва «мис»лари бор, албатта.

...Марғилонда бир одатнинг ичида ўсдим: кимнингдир кўзи ёрса, она-бола туғуруқхонадан келган кундан бошлаб, кўни-кўшнлар бир коса ёки лаганчада иссиқ овқатми, беш-олтита соғсами, икkitагина иссиқ нон, қатлама ёки пиёзли патирми, «янги меҳмон»ли ховлига чиқариб юборадилар. Бу йўқлов мезбонларни ҳеч қачон уринтирмайди, қўнжолатга қўймайди. Чунки йўқлагувчи дарвозанинг олдидаёқ қўлидаги таомни топшириб, орқасига қайтади.

Мана шундай вазиятларнинг барчасини ҳисобга олиб, момоларимиз кўшни, маҳалладош оиладаги «янги тумса»ларни уринтирмасдан «бир косагина овқат билан йўқлаб туришни» қадриятга айлантирганлар. Ҳеч эсимдан чиқмайди: декабрь ойи, чилласи чиқмаган чақалогим билан ота уйимда эдим. Дадам эрта тўти кетганлар, онам тикан дўппиларини сотиш учун бозорга кетгандилар. Уда мену гўдагимдан бошқа одам йўқ. Онамининг бозордан келишларини интизорлик билан кутяпман, чунки сумкаларини насибамизга ёзилган неъматларга тўлдириб келадилар-да! Орада нимадир сабаб билан уйдан ташқарига чиқдим. Олди очик айвонимиздаги сўрининг устидаги хонтахтада оппоқ сочиққа ўралган нимадир... Ҳайрон бўлдим, чунки сочиқ нотаниш эди. Уни очдим: ичида иссиқ соғсалар турарди, иссиқ! Демак, кимдир бизга насоба ташлаб, чиқиб кетган. Одам емоқ учун яшамайди. Аммо ўша кунги воқеа

ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бу одатнинг аҳамиятини кейинги пайтларда (айниқса, марказий ҳудудларда) урфга кириб бўлган янгича расм-усумларга солиштириб мулоҳаза этсак...

Тошкентда чақалоқ туғуруқхонадан чиқадиган кўни келиннинг онаси яқинлари билан «қовурдоқ» олиб келади. Уларни кутиб олгучилар ҳам озчилик эмас. Катта ҳаракат ва харажатлар сарфланиб ўтказиладиган бундай тантаналар она ва гўдак саломатлиги, руҳий осойишталигига ҳечам фойдали эмас, балки қони зарар эканини яхши биламиз.

Айрим ёш оналарнинг ейиш-ичишлари меъёрдаги дес бўла туриб, эмизикли боласини тўйдиришга сути етмагана иссиқ нон, қатлама ёки пиёзли патирми, «янги меҳмон»ли ховлига чиқариб юборадилар. Бу йўқлов мезбонларни ҳеч қачон уринтирмайди, қўнжолатга қўймайди. Чунки йўқлагувчи дарвозанинг олдидаёқ қўлидаги таомни топшириб, орқасига қайтади.

Мана шундай вазиятларнинг барчасини ҳисобга олиб, момоларимиз кўшни, маҳалладош оиладаги «янги тумса»ларни уринтирмасдан «бир косагина овқат билан йўқлаб туришни» қадриятга айлантирганлар. Ҳеч эсимдан чиқмайди: декабрь ойи, чилласи чиқмаган чақалогим билан ота уйимда эдим. Дадам эрта тўти кетганлар, онам тикан дўппиларини сотиш учун бозорга кетгандилар. Уда мену гўдагимдан бошқа одам йўқ. Онамининг бозордан келишларини интизорлик билан кутяпман, чунки сумкаларини насибамизга ёзилган неъматларга тўлдириб келадилар-да! Орада нимадир сабаб билан уйдан ташқарига чиқдим. Олди очик айвонимиздаги сўрининг устидаги хонтахтада оппоқ сочиққа ўралган нимадир... Ҳайрон бўлдим, чунки сочиқ нотаниш эди. Уни очдим: ичида иссиқ соғсалар турарди, иссиқ! Демак, кимдир бизга насоба ташлаб, чиқиб кетган. Одам емоқ учун яшамайди. Аммо ўша кунги воқеа

аллабид ухлатиш, силаб арқалатишдан ҳам муҳимроқ бўлиб қоладиган келинларимиз, қизларимиз озми?! Бу каби безовталиклар она сўтининг камайиб кетишига, оқибатда болажонларнинг жисмоний ва руҳий, ақлий ривожланишдан орқада қолишига, турли касалликларга тез чалинишига сабаб бўлиш эҳтимоли юқори.

Афсуски, кейинги пайтларда асрлар силсиласида синовдан ўтган «олтин» урф-одатларга эмас, «мис»ларнинг юзаси ялтир-юлтурига ҳавасмандлар, ишқибозлар кўпайиб борапти. «Усма кетар, қош қолар» – халқнинг бу ҳикмати ҳаётда албатта тасдиқланади, фақат унганча йўқотилган соғлиқ, тинчликни тиклаш, салбий оқибатларни тўғрилаш мумкинмикин, осонмикин?..

Тасаввур қилинг, бугун «қовурдоқ», «бешик тўйи» каби тадбирларни ўтказиш учун тузаладиган дастурхонларга, буюмлар, кийим-кечақларга сарфланадиган маблағларнинг бир қисми она ва боланинг осойишта ҳолатда, вақтида дармондориларга бой таомлар билан овқатланишига харж қилинса, бу фамжурликнинг ижобий оқибатлари бир умрлик соғлом, бахтли ҳаётнинг пойдевори бўлиши шубҳасиздир.

Ҳаёт тажрибасига эга авлод ўз оиласидаги ҳомиладор, ёш болали аёлни гулдек авайлаб, зурриёдага эътибори парвариши энг муҳим, масъулиятли жараёнга айлантириши ва буни атрофдагиларга яхшилаб тушунтириб бориши керак. Бошқа урф-одатларимизга ҳам шундай ёндашув зарур, назаримизда. Маҳалла фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қадриятлар моҳиятини чуқур англаб, уларни турмушга татбиқ этишининг самарали йўллари топиши ва кенг тарғиб қилишида изчил бўлмоғи давр талабидир.

Муҳтарома УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган
маданият ходими

ТАЪЛИМ: БИЗ НЕГА ЎЗГАРИШЛАРДАН КЎРҚАМИЗ?

Ислохот ўзгариш, янгиланиш, барқарорликдан чиқиш демакдир. Ҳар қандай жамият ривожланишида ислохотлар муҳим ўрин тутади, айниқса, таълим соҳасида. Чунки таълим – келажакни шакллантирувчи куч, у бевосита эртанги авлоднинг билим даражасини, дунёқарашини ва жамиятдаги ўрнини белгилайди. Шунга қарамай, кўпинча қаршиликка учрайди. Уларни қабул қилиш оғриқли, қийин кечади. Айниқса, ўқитувчи, ота-она ва ўқувчи орасида бу борада сезиларли даражадаги эҳтиёткорлик, ҳатто кўрқув ҳам мавжуд. Аслида ўтмиш, бугунги ҳолат ва келажакни бир бутунликда таҳлил қилиш керак.



Яқин-яқингача биз изчил, аммо анъанавий ва бирёқлама таълим тизими билан яшадик. Дарсликлар стандарт, баҳолаш қатъий, методикалар деярли ўзгармас эди. Ўқитувчи асосий билим манбаи, ўқувчи билимини ёдловчи бўлиб қолганди. Бу ёндашув йиллар давомида шаклланган ва одамлар онгида «таълим» деганда айнан шу модель намоён бўлган. Инчунун, ҳар қандай ўзгариш, янгиланиш ёки методик ёндашувлар эҳтиёткорлик билан кутиб олинган, ҳатто рад этилган. Чунки «эски тизим ёмон эмасди», деган фикр ҳавфсизлик ҳиссини уйғотган. Аслида ўша «барқарор» тизим ҳаётни фақат бир йўналишда идрок қилишга ўргатган, танқидий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, ижодий ёндашув каби кўникмалар эътибордан четда қолган.

Бугун эса таълим тизими тубдан янгиланмоқда. Йил сайин ривожланаётган ўқув дастурлари, замонавий педагогик технологиялар, рақамли платформалар, STEAM ёндашuvi, шахсга йўналтирилган таълим, компетенцияга асосланган баҳолаш тизими – буларнинг барчаси ўқувчини мустақил фикрловчи ва глобал дунёда ўз ўрнини топа оладиган шахс сифатида тарбиялашга қаратилган. Бироқ ўзгаришлар кўпчиликни саросимага ҳам солмоқда. Ўқитувчи: «Мен эски тизимни яхши билар эдим, янгисига кўниколмаяпман» деса, ота-она: «Фарзандим тажриба объектига айланиб қоляпти», дейди. Ўқувчи эса янги тартиб-қоидаларни

тушунмай, фикрлари чалқашмоқда. Ислохотлар аслида у қадар мураккаб эмас, уларни жорий этишдаги шошқалоқлик, тушунтиришдаги етишмовчилик, тизимларсиз ва занжирсиз ўзгаришлар одамлар онгида ишончсизлик туғдиради. Шу сабабли ўзгаришга қарши ички тўсиқ ва норозилик пайдо бўлади.

Бу кўрқувни енгиб ўтмас эканмиз, эртанги кунни тасаввур қилишимиз қийин бўлади. Эртанги таълим бу янгиланишдан чўчимайдиган, балки уни кутиб оладиган авлод, ўқитувчилар ва ота-оналардир. Келажакда ўқитувчи – доимий илзанадиган ва малакасини оширадиган мутахассис, ўқувчи – мустақил, танқидий ва ижодий фикрлайдиган шахс, ота-она эса – таълим жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши лозим. Бунга ҳозирги ислохотларга очик кўз билан қараб, уларни англаб ва изчил жорий этиш орқали эришамиз. Ўзгаришдан кўрқиб табиий. Аммо бу кўрқувдан имконият ясай олсак, ўзгариш бизни кўрқитмасдан, аксинча, илҳомлантира бошлайди. Чунки ислохот ўзгариш эмас, ўсишдир. Унинг ортида юксалиш, маънавий ва интеллектуал ривож, жамиятнинг янгиланиш имконияти туради. Шундай экан, биз ислохотлардан эмас, уларни тушунмай қолишдан, жараёнга бефарқ бўлишдан кўрқилишимиз керак.

Хуршида НИШОНОВА,
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институтини таянч докторанти

■ МУШОҲАДА

■ ЭЪЛОН

Ҳурматли манфаатдор шахслар!

Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси Ўзбекистон амалий ўқ отиш Федерациясига қўшилгани муносабати билан Бирлашманинг Навоий вилояти бўлими ҳам Федерацияга қўшилгани маълум қилинади. Ўзбекистон овчи ва балиқчилар спорт бирлашмаси Навоий вилояти бўлимининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларни Ўзбекистон амалий ўқ отиш Федерацияси Навоий вилояти бўлимига ўтган.

Ворисликка оид барча саволларни Ўзбекистон амалий ўқ отиш Федерацияси манзилига – Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Боши бек кўча, 3-уйга йўллаш мумкин. Телефон: (71) 241-36-95.

Федерациянинг Навоий вилояти бўлими манзили: Навоий шаҳри, Соғлом авлод кўчаси, 8А-уй. Телефон: 55-351-35-68.

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Фаттоҳхон Мамадалиев ижросида
«ЭТМАСМИДИМ»
қўшиғи
Фузүлий ғазали

Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмидим?
Ихтиёр ўлсайди, роҳат ихтиёр этмасмидим?

MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOVI, Nodira G'OIYIBAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),
Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 899-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
G'ulomjon MIRAHMEDOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:10
Topshirildi – 23:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 32 076 ta
Shundan: 6 079 nusxasi
«Sharh» nashriyot-mabaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
18 116 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
7 881 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq. Buyurtma G-811
1 2 3 4 5 6